O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2007-yil ● 4-yanvar ● Payshanba ● 2 (27.647) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ *Таҳририятга бўлаётган қўнғироқлар, келаётган хушхабарлар асосида ёзиб олинган янгиликлар*

## 2007 йил: ҚУТЛУҒ ВА ХОСИЯТЛИ ҚАДАМЛАР

***Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида «2007 йилда амалга оширадиган режа ва дастурларимизнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаси ўтган йиллардагидан асло кам бўлмайди» деган сатрлар исботини йилнинг дастлабки кунлариданоқ республикамиз ҳаётида бошланган кўтаринки меҳнат кайфияти лаҳзаларида, жамиятдаги ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик намуналарида яққол кўриш мумкин.***

Зеро, **«Ижтимоий ҳимоя йили»** деб ном олган йилимиз замирида табрикда айтилганидек, **«ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, муҳтож инсонлар ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш... каби олижаноб мақсадлар мужассам...»**

— Юртбошимиз қайд этган бу мақсадлар бизнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси мақсадларига ҳам муштарак, — деб ҳикоя қилди **Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги «Ўртабуз» фермер хўжалигидан «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, ЎзХДП фаоли Тўхта Эшимов мухбиримиз Абдумалик Ҳайдаровга.** — Янги йил арафасида жамоамиз кам таъминланган беш оилага беш бош қорамол берди. 250 бош мол, қўй, эчки подалари ёнида (деҳқончиликдан ташқари) бу йил балиқчилик ва паррандачиликни ҳам йўлга қўйишни режалаб чиқдик. Шунда ўзимизнинг ва ён-атроф қишлоқларимизда яна 65-70 нафар киши янги иш жойлари билан таъминланади...

— ЎзХДП Қибрай туман кенгаши қошидаги «Фаол аёллар» қаноти аъзолари Янги йилнинг дастлабки меҳнат кунини Юртбошимизнинг Янги йил табригида айтилган фикрлар асосида ўз вазифаларини белгилаб олишдан бошлашди, — хабар қилади **мухбиримиз Соҳибжон Салимов.** — Унда тумандаги «Байтқўрғон» фуқаролар йиғини раиси Дилором Салимова хусусан ёшларни, уйда ўтирган хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва касаначиликни ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар тайёрлаб, масала ижросида туман ҳокимияти олдига таклифлар билан чиқиш ҳақида мулоҳаза билдирди. Шунингдек, маслаҳатда туманда турли хил касб-ҳунар ўрганиш тўгаракларини ташкил этиш борасида зарур тавсиялар ишлаб чиқиш ҳақида ҳам келишиб олинди...

— Мурунтовдаги 2-гидрометаллургия заводи Янги йилнинг илк кунидан бошлаб чиқитсиз технология билан ишлаш тизимига ўтди, — деб сим қоқди **навоийлик журналист Музаффар Шаропов.** — Бу ерда тоғ ҳамда ер ости жинсларидан олтин ажратиб олиш жараёнларида илгари заррачалар ҳолида ўтиб кетаётган ва сўнггида у иккиламчи хомашёга айланиб қолаётган рангли металл уюмларини Россия, Япония, Италия, Германия сингари ривожланган мамлакатлар кончилик технологияси асосида қайта ишлашга киришилди...

Қўнғироқлар кетидан қўнғироқлар... Ҳар бирида жойлардаги дастлабки янгиликлар, дастлабки хабарлар. Аниқроғи, 2007 йилнинг **қутлуғ ва хосиятли қадамлари**дан хушдараклар: Урганч шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида шаҳар автосаройи 10 дона «ПАЗ» русумли автобусларни ҳаракат йўналишларига чиқарди... Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти куни кеча яна 10 нафар бўлғуси касаначилар билан шартнома имзолади... Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл қурилиши тизимлари бўйлаб Оқработ ва Дербент бекатлари оралиғида «пўлат из»лар ёткизиш ишлари ҳар қачонгидан жадал тус олди. Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш корхонаси қошида Саломатлик маркази ва замонавий бозор фойдаланишга топширилди... Олис Нурота туманининг «Нурота» қоракўлчилик ширкат хўжалиги ёшлари янги спорт мажмуасида дастлабки машғулотларини ўтказдилар... «ЎзДЭУавто» компанияси жамоаси 2007 йил учун кўзланган марра — 170 минг замонавий автомобилларнинг дастлабки ўнликлари йиғувини бошлади...

**ХУЛОСА** битта: буларнинг ҳаммаси иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эл-юртимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар бўлиб, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида алоҳида таъкидланганидек, **«Мамлакатимизни модернизация қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини либераллаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ...»**

Улар **«Ижтимоий ҳимоя йили»** — 2007 йилнинг қутлуғ ва хосиятли одимлари!

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**



## ШАҲРИСАБЗ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ишларни бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоят, туман, шаҳарларида замонавий услубдаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари барпо этилди, уларда ёшларимиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим-тарбия олмоқдалар.

Ана шундай ўқув масканларидан бири — Шаҳрисабз тиббиёт коллежида бугун 2009 нафар ўқувчи ҳамширалик иши, лаборатория диагностикаси, акушерлик иши йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Уларга эса 134 нафар малакали ўқитувчи-мураббий таълим-тарбия бермоқда. Талабалар назарияда олган билимларини Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги марказий, юқумли касалликлар ҳамда болалар шифохоналарида ташкил этилаётган амалий машғулотларда мустаҳкамлашмоқда.

Яқинда Президентимизнинг **«Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»**ги Қарорига мувофиқ коллежда «Ахборот-ресурс маркази» ташкил этилди. Бугун марказ 18200 та китоб фондига эга. Шунингдек, бу ерда 100 га яқин электрон дарсликлар ҳам мавжуд.

❖ *Баркамол авлод орзуси*






**Суратларда:** *коллеж ҳаётидан лавҳалар.*

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

❖ *Муносабат*

## СОЛИҚ — ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ

### ва эл-юрт фаровонлигига кафолат

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар, саховат, мурувват туйғулари билан йўғрилган изчил саъй-ҳаракатлар туфайли давлат бюджети ҳамда ҳомийлик маблағларидан аҳолининг кўмакка муҳтож тоифаларига 280 миллиард сўм сарфлангани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунда, шубҳасиз, давлат солиқ органлари жамоаларининг ҳам салмоқли улушлари бор. Зеро, айни шу сарфланган маблағларнинг муайян қисми вилоятлар ва туманлар давлат солиқ инспекциялари хизмати эвазига тўпланган маблағлардир ҳам.

Юртбошимиз табригини ўқиб чиқиб, биз ҳам ўтган 2006 йилда баҳоли-қудрат бажарган барча ишларимиз ҳажмини сарҳисоб қилдик. — Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда ваколат доирасидаги вазифаларимизни бажаришда қатор ибратли ишларга қўл урдик. Нақд пул маблағлари тўла ва вақтида банк муассасаларига етиб бориши қатъий назоратимизда бўлди.

Бугунги кунда ҳудудимизда нақд пулга ҳисоб-китоб қилувчи шахобчалар сони 2495 та бўлиб, улар ёрдамида ўтган йил 16259 та мониторинг — хронометраж тадбирлари ўтказилди, натижада катта миқдорда ортиқча тушумлар тушишига эришилди.

Айни кезда савдо қоидаларини бузиб, нақд пул маблағларини банк муассасасига топширмаган, харидорлар билан ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машинасидан фойдаланмаган, чек (чипта)лар бермаган, шунингдек, нақд пул тушумини яширган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан туман ҳокимлигига 265 та тақдимномалар киритилди...

Ҳеч шубҳа йўққи, Давлат солиқ органларининг ходимлари томонидан олиб борилаётган бундай ишлар — мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи ва эл-юрт фаровонлигига, айниқса, аҳолининг кўмакка муҳтож қатламлари оғирини енгил қилиш жараёнларига амалий ёрдам беради.

**Нодиржон ПЎЛАТОВ,**
**Тошкентдаги Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи**

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**Президентимиз ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган Янги йил Оролбўйида ҳам хайрли ишлар билан бошланди.**

2007 йилнинг илк кунларида Кегейли туманидаги «Қорасийрақ» овулининг ўндан зиёд аҳолиси иш билан таъминланди. Бу ерда БМТнинг Тараққиёт дастурига мувофиқ янги ишлаб чиқариш мажмуи ишга туширилди. У замонавий тегирмон, шоли оқлайдиган обжувоз, новвойхона, макарон ва ўсимлик ёғи цехларини ўз ичига олади. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар яқин атрофдаги қишлоқ ва овуллар аҳолисининг кундалик эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди.

Мажмуани бунёд этишда тумандаги «Рустам — Кегейличи» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Корхонага 26 миллион сўмлик замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

### БУ ҲАҚДА... !

**«Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш бўйича 2006 йил ва ундан олдинги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттириш, жумладан, ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик иш ҳақи ҳамда пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ўтган йилга нисбатан кўпроқ ошириш масаласи ҳам янги йилдаги режаларимиз қаторига киради.**

**Айниқса, азиз фарзандларимизнинг келажагини ўйлаб, бор куч ва имкониятларимизни ишга солиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, табаррук кексаларимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш сингари масалаларга ҳам доимий эътибор қаратишимиз, табиий».**

**БУ ҲАҚДА** ***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида алоҳида таъкидлади.***

❖ *Сўз — ЎзХДП лидерларига*

## ТАНҚИД КИМГАДИР ЁҚМАС

лекин у мавжуд камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, ривожланишга хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган САБУРОВ.

**— Раимберган Саъдуллаевич, Ўзбекистон ХДП кенгашлари қошида партия электоратининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилганига бир йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида партиянинг Хоразм вилоятидаги кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари қандай фаолият кўрсатди?**

— Таъкидлаш лозимки, бугун олиб бориладиган тарғибот ишлари мавзуларини электоратнинг ҳаётий манфаатлари ва ижтимоий муаммолари масалаларига қаратишнинг ўзи камлик қилади. Одамларни партиямиз мафкураси афзалликларига ишонтиришнинг энг яхши йўли бу — ташаббус кўрсатиб, ХДП олға сураётган ғояларни амалга оширишни таъминлаш ва партия электорати вакилларига муаммоларини ҳал этишда бевосита кўмак беришдир. Бунда партия кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йил давомида бизнинг қабулхоналаримизга 600 нафардан ортиқ фуқаро мурожаат этди. Улар асосан иш билан таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналаридаги камчиликлар, моддий ёрдам, иморат қуриш учун ер майдони ажратиш каби масалалардан иборат. Бугунги кунгача мурожаат қилганлардан 497 нафар фуқаронинг талаб-истаклари ижобий ҳал этилди, 105 нафар фуқаронинг муаммолари бўйича ишлар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Масалан, партиямиз аъзоси, Урганч шаҳридаги 22- мактаб ўқитувчиси Замира Рўзметова бизга мурожаат қилиб, олий таълим олиш учун шартнома пулларини тўлашда амалий ёрдам кўрсатишни сўраган эди. Вилоят партия кенгаши З.Рўзметовани оталиққа олиб, унинг ўқиши учун шартнома пулларини тўлашда ҳомий топиб беришни ўз зиммасига олди.

2-бет

### БУГУНГИ СОНДА !

АВТОМОБИЛЬ «СТОЯНКА»ЛАРИ
*«Транспорт воситалари вақтинча сақлаш жойларида ҳақиқий аҳвол қандай, тартиб-интизом талабга жавоб берадими? Машиналар фавқулодда вазиятлардан кафолатланганми?..»* 2-бет

CNN КЕЧИРИМ СЎРАДИ
*«Американинг CNN телекомпанияси ўз томошабинлари ва сенатор Барак Обама жанобларидан эфирдаги хатолик учун расман кечирим сўради.»* 3-бет

«ҲАКАМЛАРНИ АЙБЛАШ ОСОН, ЛЕКИН...»
*«Ўзбекистоннинг 2006 йилдаги «Энг яхши ҳаками» номинацияси ғолиби, 24 ёшида «ФИФА рефериси» унвони соҳиби бўлган Равшан ЭРМАТОВ билан суҳбат.»* 4-бет

### «ОБУНА-2007» !

***Ассалому алайкум, азиз газетхон!***

***Мана, Янги — 2007 йилда Сиз билан иккинчи бор дийдорлашиб турибмиз. Эътибор берган бўлсангиз, газетамизнинг ташқи қиёфасига ўзгартиришлар киритишга, мавзулар ранг-баранглигига ҳаракат қиляпмиз.***

***«Ижтимоий ҳимоя йили»да биз ЎзХДП электорати манфаатлари ҳимоясига, таҳлилий-танқидий мақолаларга алоҳида эътибор беришга қарор қилганмиз. Шунингдек, газетхонлар таклифлари асосида кўпчиликни қизиқтирган қатор мавзуларни кўтармоқчимиз. Биз сизларнинг ишончли ҳамкорингиз, яқин ёрдамчингиз ва садоқатли дўстингиз бўлиб қолишга ҳаракат қиламиз.***

***Шу ўринда обуна ҳақида озроқ маълумот бериб ўтмоқчимиз. Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасида обуна уюшқоқлик билан ўтказилди. Афсуски, Жиззах, Андижон, Фарғона, Наманган каби вилоятларда кутилган натижаларга эришилмади. Бунинг турли сабаблари бор, албатта. Аммо, обуна йил бўйи давом этади. Январь ойи ичида кейинги ойларга обуна бўлишингиз мумкин.***

***Обуна барча почта бўлимлари ва «Матбуот тарқатувчи» бўлинмаларида қабул қилинади.***

***Яна бир бор барчангизни Янги йил билан қутлаймиз! Янги йил ҳар биримизга кўпдан-кўп қувонч, бахт-саодат келтирсин!***

# АВТОМОБИЛЬ «СТОЯНКА»ЛАРИ

! Долзарб мавзу!



**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ВАҚТИНЧА САҚЛАШ ЖОЙЛАРИДА ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛ ҚАНДАЙ, ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ? МАШИНАЛАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН КАФОЛАТЛАНГАНМИ?..**

Кўп нарса таққосланганда, солиштирганда билинади. Шу маънода ўн йил аввалги аҳвол билан бугунги бозорларимиз қиёфаси, у ерда яратилган шароитни чоғиштирсак кўп нарса ойдинлашади. Эслаб кўрайлик, бундан ўн йилча илгари йўлларимиз, бозорларимиз, бозор атрофлари қандай эди-ю, ҳозир қандай? Ўша пайтлари бошқа жойларни-ку қўя турайлик, ҳатто республика пойтахтининг асосий бозорлари тартибсиз аҳволда эди. Бозорга кириш йўллари ўйдим-чуқур. Машина қўйишга тузукроқ жой йўқ эди.

Ҳукуматимиз қарорлари асосида бозорлар фаолияти тубдан яхшиланди, аҳолига қулайлик яратиш йўлида кўп хайрли ишлар амалга оширилди ва бу ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Аммо, автомобиллар тўхташ жойлари ҳақида ҳар хил эътирозлар қулоққа чалиниб туради. Кимдир хизмат ҳақидан, бошқаси шароит яхши эмаслигидан нолийди. Масалага ойдинлик киритиш учун пойтахтимиздаги қатор «стоянка»лар ишини кузатдик.

«Паркент» деҳқон бозори олдидаги автомобиллар тўхташ жойидамиз. «Стоянка»га кираётган машиналарнинг кети узилмайди. Кириш жойига ўрнатилган будкадаги эълонни ўқиймиз: **«Чипта олишни унутманг. Енгил автомобиллар учун — 600 сўм. Юк автомобиллари учун — 800 сўм. ООО «Барқарор хизмат»...** Мутасадди чек узатяпти. Айрим ҳайдовчилар эса бепарво ўтиб кетяпти. Чек орқа машинадагига узатилади... Ўн беш-йигирма минут шу ҳолатни кузатдик. Кирувчилар кўп, чиқиб кетувчилар-чи? Машиналар оралаб чиқиш томон бордик. Машиналар зув кирган бўлса, бу ерда ҳам зув чиқиб кетяпти. «Стоянка» учун ҳақ олаётган кишининг қўли қўлига тегмайди. «Қуён» бўлаётганлар ҳам бор. Шлагбаум олдида турган йигит ҳақ бермаган ҳайдовчилар билан ғиди-биди қилади. Орқага қайтиб, чек бераётган киши билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Салом-алик қилиб, муддаога кўчган эдик ҳамки бир милиция ходими келиб «бу киши ҳеч нарса билмайди, юринг «старшийси» билан гаплашасизлар», деди.

— Биз шу жойда жамоат тартибини сақлаймиз, — деди милиция сержанти. — Шуҳрат Худойқулов бўламан. Ҳамза туман ички ишлар бошқармаси муниципиал пост-патрул хизматиданман. Жиноятчиликнинг олдини олиш бизнинг бурчимиз.

**— Сиз хизмат қилаётган «стоянка»да ўғирлик ҳолатлари бўлиб турадими?**

— Йўқ. Биз кираётганларни ҳам, чиқаётганларни ҳам назорат қиламиз. Қолаверса, бозор маъмурияти, участка инспекторлари билан ҳамкорлигимиз туфайли нохуш воқеалар юз беришига йўл қўймаяпмиз.

Автомобиллар чиқиш жойидаги будкадан «старший» чиқиб келди. Унга ўзимизни қизиқтирган бир-икки саволга жавоб олмоқчи эканимизни айтдик.

— Мен сизларга ҳеч нарса, дея олмайман, — деди ўзини Владик Ким деб таништирган йигит. — Бу ернинг каттаси бор, ҳозир чақираман. У билан гаплашасизлар.

Дарҳақиқат, орадан йигирма минут ўтар-ўтмас ўрта яшар бир киши келди. У биздан мақсадимизни сўраб-суриштирди. Гувоҳномамизни олиб, шеригига узатди. У эса нималарнидир ёзиб олди. Шундан кейин биз ҳам у кишидан исми-шарифини сўрадик.

— Мени оддийгина қилиб Иван Иванович, дейдилар, — дея ўзини таништиргандай бўлди бояги киши. — Ўтган йилнинг ноябридан бери шу жойда ишлаяпмиз. Жамоамиз ўн киши атрофида. Милиция ходимлари билан яқин ҳамкорликда иш юритяпмиз. Биронта ўғирлик ҳолати бўлгани йўқ.

— «Стоянка»ларингизга бир кунда ўртача қанча машина кириб-чиқади, — сўраймиз ундан.

— Ўртача 800 та... Бизда қатъий ҳисоб-китоб олиб борилади. Солиқларни вақтида тўлаб борамиз. Бошқа керакли маълумотларни офисимиздан олишларингиз мумкин...

Бир қарасанг ҳаммаси жойидагидек туюлади. Лекин, талаб қандай?

Ана шу суҳбатдан кейин автомобиллар тўхташ жойларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, унга қўйиладиган талаблар, солиқ солиш ва фаолият тартиби, шунингдек, автомобиллар тўхташ жойларининг жавобгарлигига оид меъёрий ҳужжатга яна бир бор кўз югуртирдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 августдаги 387-сонли қарорига 1-илова.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида Низомни ўқиймиз:

**«...Автомобиллар тўхташ жойларига нисбатан қўйиладиган талаблар:**

Автомобиль тўхташ жойи: **қаттиқ қопламага эга бўлиши, ўралган, ёритилган, ахлатларни йиғиш учун контейнерларга, ёнғинга қарши воситаларга, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун биноларга ёки бош кўча ёки йўлларга чиқиладиган (кириш ва захира) дарвоза ёки шлагбаумга эга бўлиши керак...**

**Автомобиллар тўхташ жойларининг фаолияти тартиби**

Автомобиллар тўхташ жойларида автотранспортни сақлаганлик учун белгиланган намунадаги квитанция расмийлаштирилган, квитанция корешоги берилган ҳолда автомобиллар тўхташ жойлари томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича ҳақ ундирилади...»

Бу ер эса ўралмаган, ахлатлар учун контейнерлар, ёнғинга қарши воситаларни кўрмадик.

Навбатдаги «объект» — «Қўйлиқ» деҳқон бозори атрофидаги автомобиллар тўхташ жойи. «Стоянка» баҳоси бир жойда енгил автомобиллар учун — 500 сўм, юк автомобиллари учун 700 сўм бўлса, иккинчи тўхташ жойида енгил автомобиллар учун 600 сўм, дея эълон ёзиб қўйилган. Автомобиллар ичидаги буюмларга жавоб бермасликлари ҳақидаги огоҳлантириш ҳам бор.

«Қўйлиқ» деҳқон бозорига кираверишдаги автомобиллар тўхташ жойида биз билан гаплашадиган одамни будкадан чақириб чиқишди. Унинг ҳам исми Иван экан. Иван гапни қисқа қилди.

— Сизларга ҳеч қандай маълумот бера олмаймиз, — деди у. — Нима, қанча, қанақа? Катталаримизга боринглар, улар айтишади. Биз ишчилармиз...

Кўприк тагидан ўтиб водий томон кетувчилар «стоянка»сига келдик. Фарғоналик, андижонлик ҳайдовчиларни гапга тутамиз.

— Ҳар бир киришимизга 600 сўмдан тўлаймиз, — дейишди улар.

**— Ўғирлик ҳам бўлиб турадими?**

— «Угон» йўқ. Сабаби, ҳар доим машинамиз олдида бўламиз. Лекин кечаси машина ичидан магнитофонни ечиб олиб кетган ҳоллар бўлиб туради.

**— Нима, кечаси «стоянка» ёритилмайдими?**

— Йўқ. Машинанинг чироғини ёқиб қўямиз. Орқа томон бундан-да қоронғи.

Атрофга назар ташлаймиз. Ерга шағал тўшалган. Ёритгич чироқлари кўринмайди. Ёнғинга қарши воситалар йўқ ёки бор бўлса-да кўздан панада. Санитария ҳолати мақтагулик эмас.

Ортга қайтиб шаҳар марказидаги «Олой» бозорига келдик. Бу ердаги «стоянка»ларга кирувчи автомобиллар сони «Паркент» ва «Қўйлиқ» бозори атрофидагиларга нисбатан кам. Амир Темур кўчасидан киришдаги будканинг икки томонида шлагбаум! Келганларга чек берияпти. Чекни олмай ўтиб кетаётганлар ҳам учраб турибди. Бозордан у-бу нарса харид қилиб чиқаётганлардан бирини суҳбатга тортдик.

— Ҳафта-ўн кунда бозорга тушсам машинамни шу жойга қўяман. 500 сўм тўлаб чиқиб кетаман, — деди ёши етмишларга борган отахон. — Бир мулоҳазам бор. Автомобиллар тўхташ жойида ишловчилар маданиятли, хушмуомалароқ бўлишса. Яъни, кираётганингизда гоҳи-гоҳида бўлса-да хуш келибсиз, дейишса. Машинада чиқиб кетаётганингизда оқ йўл, яхши етиб олинг, деган бир оғиз гап кўнглини кўтариб, кайфиятни чоғ қилади-ку. Хизмат кўрсатувчилар масаланинг шу жиҳатига ҳам эътибор беришса, деган фикрдаман.

Собиқ «Болалар дунёси» дўконидан «Олой» бозорига кираверишдаги «SHOXRUX — GULRUX» вақтинчалик автомобиллар тўхташ жойи раҳбарини иш жойида учратдик.

— Бу жойни 1999 йилда тендерда ютиб олганман, — дейди Гулбаҳор Сулаймонова. — 2000 йилда хусусийлаштириб ишни бошлаб юборганмиз. Жамоамиз 4-5 кишидан иборат. 2001 йилдан буён ҳам таъсисчи, ҳам директор вазифасида ишлаб келаётирман. Нолимайман, ишимиз яхши. Намунали солиқ тўловчимиз, дея мақтанишим мумкин. Ҳалоллик ва инсоф бош мезон бўлса иш юришаверади. Мен бу гапларни тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман.

Пойтахтимиздаги энг катта бозорлардан бири «Ипподром» — «Чилонзор» буюм бозори яқинидаги автомобиллар тўхташ жойида нарх енгил автомобиллар учун 600 сўм, автобуслар учун 6000 сўм. Бозор-бозор-да. Кимдир келяпти, бошқаси ортига қайтяпти. Мавриди келганда айтиб ўтайлик. «Чилонзор» буюм бозори атрофида сўнгги пайтларда жуда кўп бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ободонлаштириш, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қулайлик яратиш борасидаги юмушлар давом этяпти.

«Ипподром»да бир неча автомобиллар тўхташ жойи мавжуд. Енгил автомобиллар учун алоҳида, шаҳарлараро қатновчи автобуслар учун алоҳида. Ҳатто Қашқадарё «стоянка»си бор. Буларнинг бари яхши. Барчаси йўловчилар учун қулайлик яратиш учун қилинган.

Автобуслар тўхташ жойида «клиент» чорлаётган ҳайдовчининг олдига бориб йўл ҳақини сўраймиз.

— 5 минг, — дейди у.

**— Тушмайсизми?**

— Йўқ. Булари шу. Кеча атиги уч йўловчи билан Тошкентга кириб келдик. Йўл машаққатини айтмайсизми? «Стоянка»га ҳам бир кириб-чиқишимизга 10 минг сўм тўлаймиз.

**— Шунга яраша чек берганми?**

— Берган. Олти мингга чек ёзиб берган.

Ҳайдовчи илтимосимизга кўра, чекни бизга кўрсатди.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам чекда олти минг сўм ёзилган.

**— Нега, сиздан ошиқча пул олишади?**

— Баҳонаси шуки, сенлар йўл ҳақини оширдинглар, шунга яраша 10 минг сўм берасизлар, деган талабни қўйишган.

Бу гапларга изоҳ бериш ортиқча бўлса керак...

Аэропортдаги «стоянка»ни ҳам бир кўрмоқчи бўлдик. Бу ердаги биз кўрган иккита автомобиллар тўхташ жойида нарх бир хил — соатига 700 сўм. Бир соатдан бир минут ўтса икки соатга ҳисобланиб, 1400 сўм тўлайсиз. «Стоянка»га киришингиз билан компьютердан чиқарилган чекни қўлингизга тутқазишади. Қайси кун, соат нечада кирганлигингиз чекда аниқ кўрсатилган. Компьютердан ўтказилган чекка қараб ҳисоб-китоб қилиб борилади. Кунлик тушум қанча, банкка қанча пул топширилияпти? Ҳаммаси аниқ.

Аэропортдаги «стоянка»нинг шу томонини Тошкентдаги бошқа автомобиллар тўхташ жойларида жорий этса мақсадга мувофиқ бўларди, деган фикрдамиз.

Мавзуни ўрганиш давомида яна бир муаммога дуч келдик. Шаҳардаги аксарият маҳаллаларда енгил автомобилларни сақлайдиган майдончалар йўқ экан.

Бу ҳақда шундай гапларни эшитдик.

— Машина олишга олиб қўйдим. Иложсиз «дом»нинг олдида сақлаяпман. Ишончли жойга қўяй десам, яқин атрофда автомобилларни сақлаш жойи йўқ, — деб қолди ён қўшниларидан бири. — Машина ташқарида тургандан кейин ҳатто уйқуда ҳаловат бўлмас экан. Ташқарида нимадир «тиқ» этса, деразага чопасан.

— Кеч кирди дегунча «дом»имиз олди қатор машиналарга тўлади. Тонг саҳардан эса машина моторини қиздиришади, тириллатишади, сигнал беришади. Эрта тонгдан асабни бузишади. Ҳайронман, буларни нима қилиш керак?

Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда айни кезда пойтахтда 300.000 тадан ошиқ шахсий автомобиллар бор.

Шаҳар бўйича эса 70 минг атрофида шахсий автогараж мавжуд. Шахсий автогаражларни жойлаштириш масаласида аҳолининг эътирозлари ҳамон давом этмоқда. Кўпқаватли уйлар оралиғидан тартибсиз жой олган ёки қаққайиб манзарани бузиб турган шахсий гаражлар оз эмас. Энг ташвишлиси бундай гаражлар атрофи ўралмагани, назорат йўқлиги, пана-пастқамлиги учун енгил-елпи ёшлар тўпланадиган, чекадиган, спиртли ичимликлар ичадиган в.х. жойларга айланиб қолмоқда. Бундай аҳволни деярли барча шаҳарларимизда учратишимиз мумкин.

Яна бир муаммо — очиқ майдонда атиги 900 га яқин машина сақлаш жойлари бор. Лекин уларнинг аксарияти фақат кундузи «фаолият» кўрсатади. Демак, шахсий автомобиллар асосан кўпқаватли уйларнинг олдига қўйилади.

Бу ҳолат одамлар асабини бузишидан ташқари аҳоли истиқомат жойларида ҳаво заҳарланаяпти, ўғирлик ва майда безориликка йўл очилмоқда.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: ривожланган хорижий мамлакатларда автоуловларни сақлайдиган қават-қават бинолар қурилган. Шу тажрибалардан фойдалансак бўлмайдими? Тўғри, маблағ керак. Лекин ҳеч бўлмаганда маҳаллалар орасида усти очиқ майдончаларни кўпайтириш мумкин-ку.

Ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди ҳисобланган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига ташилаётган, у ердан пойтахтга олиб келинаётган юкларнинг аксарият қисми юк автомобилларида ташилади.

Пойтахтимизга ушбу ҳудудлардан келиб-кетувчи юк автомобилларининг маълум вақт тўхтаб туриш жойи қаердалиги билан қизиқдик.

— «Чилонзор саноат зонаси»да жойлашган Хоразм — Қорақалпоқ ҳудудларига қатновчи юк автоуловлари стоянкасига мунтазам ишимиз ва йўлимиз тушиб туради. Лекин автостоянка талабга мутлақо жавоб бермайди, — дейди ўз автомобилида Хоразмга мунтазам юк билан қатновчи Қурбон Собиров.

Айтишларича, мазкур «Хоразм ва Қорақалпоқ» деб ном олган «стоянка» 6-автобазага қарашли ҳудудда жойлашган экан. Атрофи бетон деворлар билан ўралган жойда бирбирига тиқилинч, қатор қўйилган юк автомобилларини кўрасиз. Кун совуқ бўлса-да, ерларга тўкилган афтол, ёқилғи мойларининг ҳиди анқийди. Тунги ёритувчи чироқлар, ёнғин чиққан пайтда ўт ўчириш ускуналари ҳам кўзга ташланмайди. Худо кўрсатмасин, ёнғин чиққудек бўлса, бири-бирига ёпишиб қатор турган машиналарни асраб қолиш осон бўлмайди.

— Кунига 800 сўмдан тўлаймиз. Машинанинг кабинасида ётамиз. Қоровулликни ўзимиз қиламиз, — дейди 22I03-87 давлат рақамли «КамАЗ» ҳайдовчиси.

— Шеригим ёки мен доим машина олдида бўлишимиз керак. Бўлмаса, буюмларимиздан ажралиб қолишимиз ҳеч гап эмас, — дейди 23С68-70 давлат белгили машина эгаси...

Хуллас, аксарият ҳайдовчилардан шу каби гап-сўзларни эшитдик. Дарҳақиқат, бу «автостоянка» Низом талабларига мутлақо жавоб бермайди. Ҳатто бу ерни автомобиль сақлайдиган жойга айлантириш ҳақида зарур ҳужжатларни суриштириб топа олмадик. Агар бу ер «автостоянка» сифатида расмийлаштирилмаган бўлса, унда ҳисоб-китоб, солиқ тўлови нима бўлаяпти? Бизнингча, масаланинг бу томони билан солиқчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари қизиқиб кўришар...

Кўрганларимиздан хулоса шуки, автомобиллар тўхташ жойлари жуда зарур. Аммо, улар хизмат сифати, маданиятини ошириш устида жиддийроқ ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Қолаверса, нарх-навони ким белгилайди, 500-600-700-800 ёки 6000 сўм хизмат ҳаққи қандай омиллардан келиб чиқиб қўйилган? Тушумлардан солиқлар тўлаш қоидалари бузилмаяптими? Бу масалаларни ким ўрганади? Ёки ҳар ким билганини қилаверадими?

Автомобиллар тўхташ жойлари замонга мос, тартиб-интизомли, қонун-қоидали бўлса, бундан табиийки, ҳамма манфаатдор бўлади.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# ТАНҚИД КИМГАДИР ЁҚМАС

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Урганч шаҳридаги 95-мактаб-интернат ўқитувчиси Гулнора Эгамбердиева ўғли (2-гуруҳ ногирони Музаффар Ражаббоев) билан бирга соғлигини мустаҳкамлаш учун сиҳатгоҳга йўлланма олишда ёрдам беришни сўради. Ушбу масала ҳам ижобий ҳал этилиб, уларга «Ҳилол» сиҳатгоҳига йўлланма олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят партия ташкилоти фаоллари жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши, йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қарорларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бормоқдалар. Ўрганишлар ва таҳлиллар давомида аниқланган камчилик, нуқсонларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бундай ишлар натижасида партиямиз фаолиятига қизиқувчилар, сафимизга қўшилувчилар сони ортаяпти.

**— Хоразм вилоят партия фаоллари ўзларининг фаолликларини нималарда намоён этмоқдалар? Қандай долзарб муаммоларни кўтариб чиқаяпсизлар? Бунда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг ўрни қандай бўлмоқда?**

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларимиз аниқ ишлари билан сайловчилари ишончини қозонишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хивадаги 20-сонли Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак, Хива педагогика коллежи директори, вилоят Кенгаши депутати Зарифбой Қўчқоров, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Урганч автомобиль ва йўллар коллежи директори Эгамберган Каримов ва бошқалар аҳоли ўртасида тез-тез учрашувлар ўтказиб, уларни қийнаётган масалалар ечимига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Қўшкўпир туманидан вилоят Кенгаши депутати Саъдулла Қиличев сайловчиларининг сўровлари асосида газ таъминотини яхшилаш мақсадида 5 км. янги газ қувурларини ётқизишга бош-қош бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи жойларда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, мазкур Қарорнинг вилоятда бажарилишини Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш таклифи билан чиқди. Ҳозирда ушбу масала бўйича тегишли ишларни олиб бормоқда.

**— Очиғи, бугунги кунда кўпгина туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаоллик билан ишламаяпти. Сизнингча, бунинг асл сабаблари нимада?**

— Очиғини айтсам, бугун депутатлик гуруҳларимиз фаолиятидан ўзимиз ҳам қониқмаяпмиз. Чунки, уларда ташаббус, янгиликка интилиш, қатъият етишмаётгандек назаримда.

Бунинг бир неча сабаби бор деб ўйлайман. Биринчидан, биз номзодлар кўрсатишда кўпроқ ўрин эгаллаш мақсадида корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг номзодларини кўрсатишга интилдик. Бозор иқтисодиёти даврида бирон бир хўжалик юритиш субъектининг фаолиятини бошқариш осон эмас. Шунинг учун уларнинг бўш вақтлари йўқ ҳисоби. Иккинчидан, ўзбекчилик, бировнинг камчилигини очиқ айтишга андиша, истиҳола қиламиз. Учинчидан, мавжуд қонунларга асосан депутатларга партия ташкилотлари кераклича таъсир кўрсата олмайди. Яъни, номзодини кўрсатган ташкилотнинг депутатдан талаб қилиш ҳуқуқи етарли эмас. Уни чақириб олиш бўйича ташаббус кўрсатилмаяпти. Шунинг учун айрим депутатларимиз сайловчилари олдидаги ҳисоботларини ҳам унутиб қўйишаяпти.

Партия кенгашлари, депутатлик гуруҳлари олдида жамиятимизда юз бераётган ҳар бир салбий ҳолатга очиқ танқидий баҳо бериш вазифаси турибди. Президентимиз томонидан Қонунчилик палатасига киритилган Конституциявий қонун лойиҳаси моҳиятига ҳам аниқ мақсад мужассам деб ўйлайман. Тўғри, бугун ислоҳотлар жараёнида учраб турган камчилик ва нуқсонларни очиқ-ойдин айтишимиз кимгадир ёқмас. Лекин бу танқид ривожланишга, мавжуд камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишга чорлашига ишонамиз.

Президентимиз томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Бу фуқароларни ижтимоий ҳимоялашдаги олий мақсадларимиз сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига давлат сиёсати даражасида катта эътибор берилиши ҳамда давлат бошқарувида сиёсий партиялар ролининг ошиши эзгу мақсадларимизга янада тезроқ етишишимизга хизмат қилади.

**Беҳзод ШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.**

**❖ Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан**

# МАРҒИЛОНЛИКЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» қутлуғ тўйга қизғин ҳозирлик кўраётган марғилонликлар учун ҳам хайрли бошланди.

Янги йилнинг илк кунларида шаҳардаги 1-оилавий поликлиника бутунлай қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган муассасага даволаш ва ташхис қўйишда ишлатиладиган энг замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

Қайта таъмирланган мазкур оилавий поликлиника Ёйилма, Тоғлиқ, Пичоқчи, Ариқбўйи сингари ўндан зиёд маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсатади.

Ўтган йили Марғилонда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, шаҳардаги «Туғуруқ уйи», еттита оилавий поликлиника, ўқувчи ва ўсмирлар диспансери таъмирдан чиқарилди. Шошилинч тиббий ёрдам маркази замонавий тиббий асбоблар ва транспорт воситалари билан таъминланди. «Саломатлик -1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари бўйича 1 миллиард 200 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун имкон даражасида ҳаракат қиляпмиз, — дейди марказий шифохона бош врачи Миркомил Фозилов. — Тасарруфимиздаги барча тиббиёт масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаяпмиз. Жорий йилда ҳам бир нечта янги шифо масканлари, врачлик пунктлари ишга туширилади.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЎЗБЕК КУРАШИ ЯПОНИЯДА ҲАМ ОММАВИЙЛАШМОҚДА

*Ҳозирги пайтга келиб «Кураш» халқаро ассоциацияси Осиё, Америка, Африка, Европа ва Океания мамлакатларининг 80 дан ортиқ миллий федерацияларини ўз атрофида бирлаштирди. Япониянинг «Кураш» миллий федерацияси 1999 йили ташкил топган эди. Қуйида мазкур федерация раиси Хидео Камаганинг бу хусусдаги фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола қилинади:*

— «Кураш» ўзининг кўпгина сифатлари билан «Дзюдо» ва «Сумо» каби япон якка кураши турларини эслатади — унда ҳам ақл кучи, мардлик ва адолат устуворлик қилади, — дейди Х.Камага.

Ўзбек кураши билан биринчи маротаба 1998 йилда танишгандим. Ўша кезлари мен япон спортчилари жамоаси таркибида Ўзбекистонга борган эдим. Шунда бу якка кураш турининг жўшқинлиги мени мафтун этганди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу қадимий ўзбек беллашувини қайта тиклаш ва халқаро миқёсда унинг нуфузини кўтариш борасидаги астойдил ғамхўрлиги ва шахсан қўллаб-қувватлаши эса мени ҳаммасидан ҳам кўпроқ ҳайратга солди.

Мен курашга шу қадар қизиқиб кетдимки, Японияда ушбу спорт турини оммалаштиришга қандай бўлмасин кўмаклашишни ўз олдимга вазифа қилиб қўйдим. Ўзбек ҳамкасбларимиз билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 1999 йил январь ойида Токиода «Кураш» федерацияси ташкил этилди. Олиб борилган саккиз йиллик фаолиятимиз хусусида шуни айтишни истардимки, «Кураш» халқаро уюшмаси билан биргаликда Японияда бу спорт турини кенгайтириш ва оммалаштириш борасида салмоқли ишларни бажара олдик. «Кураш» бугунги кунда мамлакатимизда севимли якка кураш турларидан бирига айланган. Шунинг учун ҳам 2006 йилнинг декабрида Дохада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ўзбек кураши бўйича мусобақаларни кузатиш мен учун жуда мароқли бўлди.

Кези келганда Японияда курашни оммалаштириш бўйича келгусидаги режаларимизга ҳам тўхталишни истар эдим. 2007 йил январь ойида кураш бўйича халқаро конференция ўтказишни мўлжаллаётирмиз. Тадбир давомида жаҳонда бу якка кураш турини стратегик ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини ва бу спорт турининг барча ихлосмандларини Янги йил билан табриклайман. Барчага ўзимнинг энг эзгу тилакларимни — тинчлик, соғу саломатлик ва гуллаб-яшнашларини тилаб қоламан.

**А. ҚЎЧҚОРОВ ёзиб олди**
**«Жаҳон» АА**
*Токио*

# Ўзбекистон давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ишида катта муваффақиятларни қўлга киритди

***Президент И.А.Каримов етакчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар хорижий давлатларнинг сиёсий ва ижтимоий арбобларида, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.***

**Япония парламенти депутати Коки Чума**нинг фикр билдиришича, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қонунчилик ташаббуси билан парламентга киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ-равшан тасдиғи бўлди.

— Табиийки, ҳар бир жамиятда ижтимоий-сиёсий воқеаларга турлича қарашлар мавжуд бўлади, — дейди К.Чума. — Жамиятда юзага келадиган муаммоларнинг аҳоли турли қатламлари нуқтаи назаридан замон талабларига мос тарзда муҳокама қилинишининг таъминланишида сиёсий партиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу маънода мамлакат Конституциясида сиёсий партиялар тараққиётининг аниқ шартлари қонунчилик билан мустаҳкамланаётгани жуда муҳимдир.

**Туркия парламенти депутати Т.Каракая** қуйидаги фикрларини ўртоқлашди:

— Янги қонун лойиҳалари Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада оширишга имкон беради ва унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини мустаҳкамлайди. Мен сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун лойиҳасининг парламентга киритилганини Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсий ислоҳотлар сезиларли даражада жадаллашувининг далили бўлди, деб ҳисоблайман.

Барча мамлакатларда сайлов тизимини ривожлантириш жараёни давомида сиёсий партиялар ролининг кенгайиши ва кучайиши демократлаштириш жараёнининг асосий бўғини бўлган. Бу ўз навбатида сиёсий тизимнинг халқчиллиги мезонларига мос келади ва жамият талабларига жавоб беради. Ишонаманки, бу меъёрий ҳужжатнинг қабул қилиниши Ўзбекистон раҳбариятининг миллий тагзамин ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда олиб бораётган оқилона сиёсатининг маҳсули бўлади.

Мисрда нашр этиладиган **«Абдулхаул ад-Давлия» газетасида** «Ҳаёт ҳақиқати» сарлавҳаси остида босилиб чиққан мақолада Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўтган 15 йили давомида қўлга киритган ютуқлари тафсилотлари акс этган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси алоҳида урғу берилади.

«Ўзбекистон раҳбарининг бу таклифи унинг мамлакатда инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлаш ва толерант жамиятни мустаҳкамлашга бирламчи даражада аҳамият бераётган кучли сиёсатчи ҳамда ҳақиқий етакчи эканидан далолат беради, деб ёзади нашр. Бу ўз навбатида давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилашда, шунингдек, мамлакатни модернизация қилишда Ўзбекистон катта ютуқларга эришаётгани ҳамда Мисрдан ўзиб кетаётганини кўрсатади».

**Инглиз тилида чоп этилувчи «Tehran Times» газетаси (Эрон)** ўз саҳифаларида мамлакатимиз мавзусига бағишлаб **«Ўзбекистон демократиясининг тадрижий йўли»** сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда мақола муаллифлари газетхонлар эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг ҳамда мамлакат давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини ривожлантиришнинг тадрижий давоми бўлганига, бу ташаббус мамлакатни кучли фуқаролик жамияти сари олиб боришига қаратган.

«Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар шуни аниқ кўрсатмоқдаки, Президент Ислом Каримов илгари сурган ташаббус мамлакатнинг бугунги дунёмиздаги айрим давлатларда кузатилаётган майдон-инқилоб курашлари йўлидан эмас, балки замонамиз талабларига мос ислоҳотлар йўлидан бораётганини намойиш этди», — деб ёзади нашр.

**«Жаҳон» АА**

## ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАБ

**❖ Тақдимот**

«Тошкент почтамти»да Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 15 йиллиги санасига бағишлаб муомалага чиқарилган почта маркаси ва махсус хотира тамғаси тақдимоти бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан тайёрланган «Ўзбекистон ва Хитой дипломатик алоқаларига 15 йил» почта маркасида Ўзбекистон Республикасининг гўзал ва қадимий шаҳарларидан бири Самарқанддаги Шердор мадрасаси ва Хитойнинг Буюк девори лавҳалари икки республиканинг байроқлари билан уйғунликда акс эттирилган.

Шонли сана муносабати билан тайёрланган махсус хотира тамғасида лотин алифбосида «O'zbekiston va Xitoy diplomatik aloqalariga 15 yil» сўзлари ёзилган. Унда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси байроқлари тасвирланган.

**Алишер РЎЗИЕВ**

## ҚИРОЛНИНГ АРЗИ

Иордания қироли Абдулла II ўзининг Қизил денгиз бўйидаги Акоб қароргоҳига Исроил ҳудуди томонидан ёқимсиз ҳид келаётганлиги тўғрисида тегишли тартибда Исроил ҳукуматига арз қилди.

Исроил атроф-муҳитни ҳимоялаш вазири Гидеон Эзра ноқулайликнинг сабаби чегарага яқин жойда санитария-карантин пункти жойлашганлигини ва бу ерда фермерлар томонидан сотиладиган сигирлар сақланишини маълум қилди.

Қирол арзига жавобан Исроил ҳукумати пункт эгаларидан ҳудудни тезда гўнгдан тозалаб қўйишни талаб қилди. Тозалаш ишлари якунлангунга қадар ёқимсиз ҳидларни йўқотиш учун махсус «дезодарантлар» сепилмоқда.



## 1 КИШИГА 450 КИШИ

«Хамас» Исроил ҳукуматининг 450 нафар фаластинлик асирни исроиллик юқори лавозимли ҳарбий Гилад Шалит билан алмаштириш эвазига озод қилиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Келишув шартларига кўра, «Хамас» дастлаб Шалитнинг тирик эканлигини исботловчи видеолавҳани Исроилга тақдим этиши керак. Ўз навбатида эса Исроил фаластинлик аёллар ва вояга етмаганларни қамоқхоналардан озод этиши лозим. Шундан сўнг Гилад Шалит аввал Мисрга, кейин эса Исроилга юборилади. Шу жараёнда, яъни бир вақтнинг ўзида Исроил «Хамас» томонидан тақдим этилган рўйхатда исми-шарифи кўрсатилган 450 нафар фаластинликни қамоқхоналардан чиқариб юбориши керак.



## XORIJDA

## ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Сешанба куни Калифорния штатида АҚШ миллий гвардиясига тегишли вертолёт қулаб тушди. Вертолёт бортида тўққиз киши бўлган ва улар турли даражада жароҳатланишган бўлса-да, барчаси омон қолишган.

Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

## БЎРИ ОВЛОВЧИЛАР УЧУН МУКОФОТ



Россиянинг Амур вилоятида овчиларга овланган бўрилар учун пул мукофоти таъсис этилди. Мукофот миқдори катта ёшдаги, йирик бўри учун уч минг рублни, бўривачча учун эса бир ярим минг рублни ташкил этади. Бундан ташқари, бўри овловчи энг яхши овчи учун ҳам мукофот эълон қилинган. Бунда «мусобақа» ғолибига 20 минг рубль, иккинчи ўрин соҳибига 15 минг рубль, учинчи ўринни эгаллаганга эса 10 минг рубль берилади.

Кўрилаётган бу тадбирлардан мақсад — Амур вилояти ҳудудида бўриларнинг сонини қисқартиришдан иборат. Айни пайтда бу ҳудудда бўриларнинг сони 1,5 мингдан 2,5 минг атрофида деб тахмин қилинмоқда. Сўнгги йилларда бўрилар вилоят чорвачилигига 1,2-2,4 миллион рубль миқдорида жиддий зарар етказмоқда. Йилига 600 бошдан ортиқ шимол буғулари йиртқичларга ем бўлмоқда.

## CNN КЕЧИРИМ СЎРАДИ



Американинг CNN телекомпанияси ўз томошабинлари ва сенатор Барак Обама жанобларидан эфирдаги хатолик учун расман кечирим сўради. Гап шундаки, 1 январь куни эфирда «Ал-Қоида» етакчиси Усама бин Ладенни бесамар қидиришларга бағишланган кўрсатув узатилди. Кўрсатув давомида бин Ладен ҳақидаги лавҳалар «Қаердасан Обама?» номли сарлавҳа асосида намойиш этилди. Аслида эса ёзув «Қаердасан Обама» («Where's Obama?») эмас, «Қаердасан Осама» («Where's Osama?») бўлиши керак эди.

Телеканал таҳририятига кўплаб телетомошабинлар қўнғироқ қилишиб, ўз норозиликларини билдиришди. Чунки, CNN томонидан №1 террорчига чиқариб қўйилган жаноб Барак Обама сенатор-демократ бўлиб, у 2008 йилги президентлик сайловларида ўз номзодини қўйишни мўлжаллаётган эди.

Сенатор телеканалнинг узрини қабул қилди. «Йўл қўйилган хато кечирилди, лекин шунга эътибор бердимки, «s» ва «b» ҳарфлари клавиатурада бир-биридан узоқда жойлашган» — деди сенаторнинг матбуот котиби Томми Вието.


# «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

## 2007 йилнинг 5,9,12,16,19,23,26,30 январь ва 2,6,9,13,16,20,23,27 февраль ҳамда 2,6,9,13,16,20,23,27,30 март кунлари аукцион савдоларини ўтказади

***Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:***

**Юнусобод тумани:**

— Тошкент автомобиль ҳалқа йўлида, сатҳи 0,036 гектар, **бошланғич нархи — 3 384 000 сўм.**

— Тошкент автомобиль ҳалқа йўлида, сатҳи 0,04 гектар, **бошланғич нархи — 3 760 000 сўм.**

— Радиостанция ҳудудида, сатҳи 0,008 гектардан иборат бўлган 5 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 438 400 сўм.**

— Соҳибкор кўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 804 800 сўм.**

— «Ҳасанбой» даҳаси 1-мавзеда, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 946 400 сўм.**

— «Ҳасанбой» даҳаси 2-мавзеда, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 709 800 сўм.**

— А.Дониш кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 493 200 сўм.**

— Орифов кўчасида, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 169 280 сўм.**

**Сирғали тумани:**

— Қурувчи даҳасида, сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 703 760 сўм.**

— Қуйи Толариқ 3-тор кўчасида, сатҳи 0,018 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 201 600 сўм.**

— Боғичинор кўчасида, сатҳи 0,035 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 833 000 сўм.**

**М.Улуғбек тумани:**

— Ш.Бурҳонов кўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 984 000 сўм** ва сатҳи 0,02 гектар бўлган 1 та ер участкаси. **Бошланғич нархи — 492 000 сўм.**

— Устабоев кўчасида, сатҳи 0,0085 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 131 733 сўм.**

— Ҳ.Абдуллаев кўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 3 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 372 800 сўм.**

— Ҳ.Абдуллаев кўчасида, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 029 600 сўм.**

— Олмачи кўчасида, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 716 000 сўм.**

— Олмачи кўчасида, сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 858 000 сўм.**

**Шайхонтоҳур тумани:**

— Қозиробод 2-тор кўчасида, сатҳи 0,017 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 571 200 сўм.**

— «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчасида, сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 988 000 сўм.**

— Каттабоғ 7-тор кўчасида, сатҳи 0,012 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 454 608 сўм.**

***Ҳамда қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:***

*Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Содиқ Толипов кўчаси, 1-уйда жойлашган «O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиакомпаниясининг автотранспорт воситалари:*

— 1989 й. и/ч, д/р 10 AL 763 бўлган «КАВЗ-3270» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 385 834 сўм.**

— 1989 й. и/ч, д/р 10 AU 332 бўлган «ГАЗ-6614 «Кунг» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 2 100 000 сўм.**

— 1989 й. и/ч, д/р 10 AW 459 бўлган «ГАЗ-6614 «Кунг» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 800 000 сўм.**

— 1980 й. и/ч, д/р 10 AU 285 бўлган «ЗИЛ-131 ПАЛ-5» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 4 200 000 сўм.**

— 1992 й. и/ч, д/р 10 AY 198 бўлган «ВОЛЬВО-460GL» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 3 600 000 сўм.**

— 1996 й. и/ч, д/р 10 AX 114 бўлган «Шкода Фелиция» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 4 000 000 сўм.**

— 1983 й. и/ч, д/р 10 AR 402 бўлган «ГАЗ-2402» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 600 000 сўм.**

— 1993 й. и/ч, д/р 10 AU 229 бўлган «РАФ-22038-02» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.**

Ўзбекистон кўчаси, 43-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига қарашли 1983 й. и/ч, д/р 31-17 THE бўлган «УРАЛ 67-36» русумли мотоцикл. **Бошланғич нархи — 45 213 сўм.**

*Тошкент шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 11-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар бошқармасининг автохўжалигига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:*

— 1994 йилда и/ч, д/р 10 PP 253 бўлган «ГАЗ-3102» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 836 680 сўм.**

— 1989 йилда и/ч, д/р 10 AA 959 бўлган «ГАЗ-5314 КО-413» (мусоровоз) русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 505 536 сўм.**

— 1988 йилда и/ч, д/р 10 AX 910 бўлган «ГАЗ-5314 КО-413» (мусоровоз) русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 833 352 сўм.**

— 1986 йилда и/ч, д/р 10 AA 938 бўлган «УАЗ-3741-01» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 270 146 сўм.**

— 1988 йилда и/ч, д/р 10 AV 101 бўлган «УАЗ-3303-01» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 516 715 сўм.**

— 1988 йилда и/ч, д/р 10 AX 909 бўлган «ИЖ-2715» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 572 090 сўм.**

*Халқлар Дўстлиги кўчаси, 35-уйда жойлашган Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг божхона постларида давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига биноан расмийлаштирилган қуйидаги автотранспорт воситалари:*

— 1996 й. и/ч, «Доган»-SLX» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 6 752 462 сўм.**

— 1995 й. и/ч, «Доган»-SLX» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 5 149 110 сўм.**

— 1995 й. и/ч, «Доган»-SLX» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 5 491 280 сўм.**

— 1996 й. и/ч, «Доган»-Ş» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 5 136 208 сўм.**

— 1996 й. и/ч, «Хундай-Соната-III» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 6 791 120 сўм.**

— 1998 й. и/ч, «Хундай-Соната-EF» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 18 363 632 сўм.**

— 1996 й. и/ч, «Тойота-LK» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 14 573 975 сўм.**

— 1994 й. и/ч, «ГАЗ-31029» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 2 836 354 сўм.**

— 1994 й. и/ч, «ГАЗ-31029 » русумли а/в. **Бошланғич нархи — 2 517 568 сўм.**

*Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчасида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари:*

— 1987 йилда и/ч, д/р 10 AG 043 бўлган «ГАЗ САЗ-3507» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.**

— 1980 йилда и/ч, д/р 10 AG 041 бўлган «Икарус-255» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 14 000 000 сўм.**

— 1980 йилда и/ч, д/р 10 AG 042 бўлган «Икарус-255» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 14 000 000 сўм.**

— 1978 йилда и/ч, д/р 10 AN 879 бўлган «Паз-672» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 541 673 сўм.**

— 1988 йилда и/ч, д/р 10 AG 045 бўлган «Паз-672» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 892 842 сўм.**

— 1990 йилда и/ч, д/р 90-15 ТНБ бўлган «Кваз-3270» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 756 859 сўм.**

— 1980 йилда и/ч, д/р 10 AN 877 бўлган «Раф-2203» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 851 900 сўм.**

— 1985 йилда и/ч, д/р 45-29 ТНБ бўлган «Урал-43203» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 316 946 сўм.**

— 1981 йилда и/ч, д/р 00-53 ТНН бўлган «Уаз-452» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 000 000 сўм.**

— 1981 йилда и/ч, д/р 10 AQ 212 бўлган «Уаз-452 Д» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 800 000 сўм.**

— 1986 йилда и/ч, д/р 93-09 ТНЛ бўлган «Газ-52-04» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.**

Мирзо Улуғбек тумани, Файзулла Хўжаев кўчаси, 29-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг 1976 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AK 226 бўлган «УАЗ 469-Б» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 355 000 сўм.**

Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уйда жойлашган Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AZ 163 бўлган «ИЖ-2715011» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 458 984 сўм.**

*Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 75-уйда жойлашган «Ўзинтеримпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компаниясининг қуйидаги автотранспорт воситалари:*

— 1994 й. и/ч, д/р 10 AN 478 бўлган «Хундай Греис» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 9 500 000 сўм.**

— 1994 й. и/ч, д/р 10 AN 477 бўлган «Хундай Греис» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 7 500 000 сўм.**

Собир Раҳимов тумани, Университет кўчаси, 2-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Тошкент давлат техника университетининг 1986 й. и/ч, д/р 10 AC 926 бўлган «КАВЗ-685» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 555 000 сўм.**

«Suvsoz» трести ДУКнинг «Suvsoz qurilish» ШКга қарашли, давлат рақами бўлмаган ЭО-3221 «Экскаватор» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 8 000 000 сўм.**

Юнусобод тумани Шарофобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Ш.Рашидов номидаги Халқаро жамғарманинг 1991 йилда и/ч, д/р 10 AX 444 бўлган «УАЗ-3303» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 709 676 сўм.**

Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган «ТАПОиЧ» ДАЖнинг 1989 йилда и/ч, д/р 10 AZ 040 бўлган «ГАЗ-5312» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 919 600 сўм.**

Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 45-«А» уйда жойлашган, ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасининг 1996 йилда и/ч, д/р AR 679 бўлган «ГАЗ-31029 русумли а/в. **Бошланғич нархи — 2 710 956 сўм.**

Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 108-уйда жойлашган Тошкент Ахборот технологиялари университетининг қуйидаги автотранспорт воситалари:

— 1988 й. и/ч, д/р 10 AQ 884 бўлган «ГАЗ-5205» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 637 200 сўм.**

— 1983 й. и/ч, д/р 10 AE 194 бўлган «Масквич фургон М-2137» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 376 800 сўм.**

— 1986 й. и/ч, д/р 10 AS 255 бўлган «ГАЗ-2410» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 672 000 сўм.**

— 1985 й. и/ч, д/р 10 AX 446 бўлган «УАЗ-3151201» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 050 840 сўм.**

Ҳамза тумани, С.Машҳадий кўчаси, 186-уйда жойлашган «Ўзбекистон шампани» ОАЖга қарашли 1993 йилда и/ч, д/р 10 AZ 216 бўлган «ГАЗ-3307» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 800 000 сўм.**

Ҳамза тумани, Мусахонов 2-тор кўчаси, 33-уйда жойлашган «Тошкентдонмаҳсулот» ОАЖга қарашли, 1989 йилда и/ч, д/р 10 BB 539 бўлган «ТАРЗ-022Б» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 1 912 000 сўм.**

Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 49-уйда жойлашган, «7-Автокорхона» ОАЖга қарашли, 1991 йилда и/ч, д/р 10 AI 734 бўлган «ГАЗ-2411» русумли а/в. **Бошланғич нархи — 880 807 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал, автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**

**Мурожаат учун телефон: 133-23-40.**

**Гувоҳнома № 000815**

❖ Спорт

# Равшан ЭРМАТОВ:

# «ҲАКАМЛАРНИ АЙБЛАШ ОСОН, ЛЕКИН...»

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2006 ЙИЛДАГИ «ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ» НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБИ, 24 ЁШИДА «ФИФА РЕФЕРИСИ» УНВОНИ СОҲИБИ БЎЛГАН РАВШАН ЭРМАТОВ БИЛАН СУҲБАТ**



***— Аввало ҳамюртларимизнинг Осиё ўйинларидаги иштироки ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик?***

— Аслини олганда, терма жамоамиз футболчилари финалда ўйнашга муносиб эдилар. Ироқликларни ҳам енгишга кучимиз етарди. Ироқ терма жамоаси билан ўтган учрашув бош ҳакамининг хатти-ҳаракатларини оқлашдан йироқман. Ҳақиқатан ҳам у вазиятни ўз қўлидан чиқариб юборди. Кўп ҳолларда антиқа қарорлари билан миллионлаб мухлисларимиз қалбида эътирозлар уйғотди. Лекин бу тўғрида қанчалик гапирмайлик, мулоҳаза юритмайлик бари бефойда. Осиё футболидаги ҳакамларнинг ноҳақликларига, айрим араб мамлакатлари вакилларининг ҳийла-найрангларига анчадан буён дуч келяпмиз. Бу борада бир неча марта панд едик. Қачонки, мана шу салбий ҳолатларга қарши курашишда ўзимизнинг муносиб жавобимизни бера олсак, ана шунда ютуқ биз томонда бўлади. Масалан, ўша чорак финалда мағлубиятга учрашимизда ҳакамдан ташқари ўзимизда ҳам қайсидир маънода айб ўтди. Тан олиш керак, мавсумнинг охири, жисмоний чарчоқлар, толиқишлар, жароҳатларнинг асоратлари ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Йигитларга қойил, шундай бўлишига қарамай бор кучлари билан тўп суришди. Фақат футболчиларимиз ҳакам таъсирига тушмай совуққонлик, руҳий вазминлик билан ўйнаганларида яхши бўларди.

***— Назаримизда, халқаро майдонларда футболчиларимизга рақиб ўйинчиси билан тортишмаслик кераклиги, ҳакамга эътироз билдириш фойдасизлигини англаш ҳисси етишмаётгандек. Ёнингизда бўлса, етакчи футболчимиз Максим Шацких Қатар терма жамоасига қарши ўтган учрашувда рақиби билан «келиша олмай» қолганлиги учун майдондан четлатилди. Ироқликлар билан бўлган ўйинда Асрор Алиқулов қизил карточка олди. Бу билан биз футболчиларимизни қораламоқчи эмасмиз. Аксинча, уларни ва жамоа манфаатини ўйлаб гапираяпмиз.***

— Жаҳон футболини олиб қарасангиз ҳам оддий ўйинчидан тортиб, юлдузгача кўп ҳолатларда асабларини жиловлай олмай қолишади. Ҳакам билан тортишади, мухлисларга бирор-бир қилиқ қилишади, рақибига паст келгиси келмай уришиб кетади ва ҳоказо. Бундай кўйиларга Зидан, Бекхэм, Марадона ва яна кўплаб футболчилар тушганликларини биламиз. Аммо бундай хатти-ҳаракатлар ким ҳақ ёки ноҳақлигидан қатъи назар ҳеч қачон ижобий баҳоланмаган. Ва футболни ҳам безамаган. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, бир-бирларининг ҳамиятига тегадиган қилиқлари учун рақиби билан майдондан четлатилган Шацкихни, унга қўшиб миллий федерациямизни ҳам ОФК жазолаши мумкин эди. Хўш, бундан ким ютарди? Албатта, биз эмас.

***— Кейинги йилларда ўзбекистонлик ҳакамлар ФИФА ҳамда ОФК байроғи остидаги нуфузли мусобақаларга таклиф этилмоқда. Сиз ҳам катта-катта халқаро мусобақаларда рефери сифатида Ватанимиз номидан майдонга тушяпсиз. Бундай учрашувларда майдонга тушганингизда қалбингиздан нималар кечади?***

— Буни бир оғиз сўз билан таърифлашнинг иложи йўқ. 2003 йили Финляндияда ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Яман — Португалия ва Сьерра-Леоне — АҚШ ёки 2006 йилги жаҳон чемпионати саралаш баҳслари доирасидаги Япония — Баҳрайн терма жамоалари учрашувларини бошқарганим бир умр ёдимдан чиқмайди. Стадион сухандони мамлакатлар терма жамоалар таркибини таништириб бўлгач, ҳакамлар Ўзбекистондан, деган ажиб ва ёқимли сўзни айтди. Ана шундай лаҳзаларда мустақиллик шарофатига шукрона айтиб, шу озод юрт ўғлони бўлганлигинг ва Ўзбекистон номидан дунёга чиққанлигингдан қалбинг ғурурга тўлади...

***— Миллий чемпионатимизда фаолият кўрсатаётган ҳакамларимиз орасида вилоятлардан вакиллар бармоқ билан санарли. Масала шу даражага кўтарилдики, вилоятлардаги мухлислар «Нега «Пахтакор», «Трактор», «Локомотив» иштирокидаги учрашувларни бетараф жойдан эмас, айнан тошкентлик ҳакамлар бошқаришади?», деган эътирозларни ҳам билдиришмоқда...***

— Жуда тўғри айтдингиз. Биз, яъни Тошкентда фаолият кўрсатаётган ҳакамлар вилоятларда ҳам муносиб ҳамкасбларимиз етишиб чиқишини бу эса ўз-ўзидан соғлом рақобат, ўсишни кучайтиришини, футболимиз ривожи янада жадаллашишини истаймиз.

Кўпчилик пойтахтда мусобақалар тез-тез ўтказилади, ҳакамларнинг маҳорати ошиши учун имкониятлар катта, деган фикрда. Аммо масаланинг яна бир жиҳати шундаки, пойтахтда шу соҳанинг тажрибали мутахассислари кўпчиликни ташкил этади. Сардор Нажафалиев, Анатолий Коваленко, Сайфиддин Эрматов... Булар сафи жуда кенг. Улар ёшларга ҳакамлик сир-асрорларини ўргатишда ҳеч чарчашмаяпти.

Ҳақли савол туғилади: Жойларда ҳам ўз даврининг яхши ҳакамлари, бугунда тажрибали мутахассислар йўқми? Бор, лекин... Ҳаммани танқид қилиб бўлмайди. Намуна кўрсатишга арзигулик инсонлар ҳам бу борада фидойилик кўрсатишяпти. Мисол учун, Ноил Лутфулинни олайлик. Ҳали ҳакамлик фаолиятини тугатмасданоқ, қанчадан-қанча бухоролик ёш йигитларни ўз ортидан етаклай олди. Ёки шаҳрисабзлик Шамил Жумаев бир шаҳарнинг ўзида Арслон Ҳотамов, Азамат Жалиловларни тарбиялаб, камолга етказди. Қашқадарёнинг бошқа яна бир қатор етакчи ҳакамлари — Амриддин Сайдалиев, Баҳром Норсафаровлар ҳам Шамил акани ўз устозлари, деб билишади. Қанийди ҳамма шундай ишласа...

**Толибжон ҚОСИМОВ**
**суҳбатлашди.**

❖ Ҳужжатли кино

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ



Кино-телепублицистика жамоатчиликка эстетик даражага кўтарилган ахборотни етказиш, ижоднинг бу долзарб соҳаларида фаоллик кўрсатаётганларга мавзу, қаҳрамон танлаш ҳамда уларнинг экрандаги образли ифодасини таъминлашда кўмаклашиш билан бирга яна бир муҳим вазифани бажаради. Бу унинг даврни тасмада муҳрлаб қолдиришидир. Бугунги кунда ҳаётимизнинг кўпгина жабҳаларига тегишли бўлган олижаноб қарашларнинг ушбу жанрда ўз ифодасини топаётгани мазкур фикримизни тасдиқлайди.

Ажойиб адиб Ўлмас Умарбековнинг кинопортретини яратиб, ижод аҳлининг эътиборини қозонган режиссёр Аҳрор Акбархўжаев эндиликда **«Хоразм Маъмун академияси»** фильми орқали тарих саҳифаларини ўрганишга, Хоразмдек азим юртнинг фикри теран ўғлонлари илм-фан бобида қилган жасоратини кўрсатишга интилган. Бунинг учун у ҳужжатли кинонинг имкониятлари билан бирга чегараларини ҳам ҳисобга олгани, минг йиллик тарихга эга илм-фан маконининг ўзига хос муҳитини ёдгорликлар таърифи, бугунги кадрларнинг жозибаси, ноёб қўлёзмалар, китоблар саҳифаларининг мафтункорлигини кўз-кўз қилиш билан бирга турли бадиий фильмлар лавҳаларидан фойдаланганини кўрамиз.

Бу ҳолнинг ўзига яраша алоҳида ютуқлари бор. Чунки актёр ижросидаги образларни, бадиий тўқима маҳсули бўлмиш киноэпизодларни ҳужжатли асарга сингдириш жараёни анча мураккаб бўлиб, муаллиф ва режиссёрдан назарий билим ҳамда шартли белгиларни қўллай билиш маҳоратини талаб этади. Режиссёр Ибн Сино, Беруний ҳамда улар иштирок этган драматик воқеаларни тиклаш ва публицистик асарга табиий равишда уланиб кетишини таъминлаш мақсадида экрандаги тасвирни бамисоли бироз хиралашган ойна ортида кўрсатган. Бунда тасвир ўзининг мафтункор кучини йўқотмаган. Аксинча, кўҳна дунё манзараларини тасаввур этишга, улуғ сиймоларнинг фалсафаларини идрок этишга кўмаклашган. Йигирма олти дақиқа давом этадиган «Хоразм Маъмун академияси» фильм-тадқиқотининг ўзига хос маърифий қиймати ҳам шунда.

**«Собир Абдулла»** фильм-портретида адибнинг ватани Қўқон ва унинг ижодий муҳитини таърифлашга эътибор берган муаллиф Наим Каримов ва режиссёр Ҳ.Валиев эски хроникадан, фотосуратлардан унумли фойдаланганлар. Маълумотларга бой, назарий фикрдан келиб чиқилиб ёзилган, сўнгра суратга олинган эпизодлардан ташкил топган бу асарга ижодкор қиёфасини очиб беришга хизмат қилувчи бадиий руҳнинг сингдирилгани фильм муваффақиятли чиқишини таъминлаган.

**«Актриса»** деб аталган кинофильмда ҳам Шуҳрат Аббосов ва Мелс Афзаловдек машҳур режиссёрлар ўзига хос услубдан фойдаланганини айтиб ўтиш ўринли бўлар. Фильм қаҳрамони Тамара Шокированинг икки дарёдан сув ичгани (отаси тошкентлик, онаси украиналик) буюк Қодирийнинг Раъносини гавдалантиргани, Райҳона Ғаниевадек қўшиқчини тарбиялагани ҳис-ҳаяжонга, лиро-психологик ҳолатларга бой асар яратилиши учун асос бўла олган.

Ҳужжатли кинонинг шу каби талаблари ҳисобга олиниб яратилган **«Эртага премьера»** фильми актёр ва режиссёрларнинг ўзаро суҳбати, ижод муаммолари ҳақидаги мунозаралари тафсилотларини томошабинга етказади. Режиссёр Умид Ортиқов ушбу фильми орқали томошабинни ижод дамларининг бир-икки сиридан воқиф этади. Бу эса малакали кинопублицистнинг алоҳида ютуғидир.

**«Бу рангин олам»** тасмасида эса томошабин Ўзбекистон халқ рассоми, машҳур мусаввир Малик Набиевнинг кўпдан-кўп асарларини кўриш, улар ҳақида айтилган фикрларни мароқ билан тинглаш имкониятига эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг шу каби ўнлаб асарлари ижодий жамоанинг изланишлари яққол самара бераётганини кўрсатади.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

❖ Мулоҳаза

# «ПАҚ-ПАҚ»ЛАР ДАСТИДАН...

Янги йил байрами арафасида матбуотда, радио-телевидениеда четдан олиб келинаётган пиротехника воситаларининг зарари, келтирадиган кўнгилсизликлари ҳақида кўп гапирилди, кўрсатувлар берилди. Тўғриси, мен ёши етмишдан ошган одам сифатида «хайрият, бу янги йил оқшомида хотиржамроқ ўтирарканмиз» деб умид қилган эдим.

Афсуски, бу йилгиси ҳаммасидан ошиб тушди. Қоронғу тушар-тушмас «пақ-пақ» бошланди. Кўп қаватли уйларнинг ҳали у, ҳали бу бурчагидан яшиндек аланга чиқиб, ваҳимали пақиллашлар авж ола бошлади. Ҳатто кап-катта йигитлар, кишилар ҳам болаларга қўшилиб, деразадан, балкондан туриб пақ-пақ ота бошлашди. Бада-бангдан ҳузурланаётган туппа-тузук бир йигитчага «ахир уйларда қариялар, беморлар бор», десам аччиқ жавоб олдим. Қаранг, ҳар кимнинг ўз иши эмиш, бу...

Янги йил кириши билан осмонга визиллаб нималардир учди. Чунонам баранглади-ки... атрофни ларзага солди... Ундан кейин виз-визлар, пақ-пақлар, гумбир-гумбирлар бошланди. Бу ҳолат тонггача давом этди. Асаблар зўрға бардош берди.

Ўйлаб қоласан киши, бу матоҳлар қайси мамлакатда ишлаб чиқарилади? Қанча пулга, қандай йўллар билан кириб келган? Буларни ишлаб чиқариб, сотишдан кимлардир фойда кўраётгандир, лекин жабрини бизга ўхшаган қариялар, беморлар, чақалоқлар тортамизми?

Ҳозир шулар ҳақида ўйлаб, воқеани қоғозга туширяпману, айрим жойлардан ҳануз пақпақлаган овоз келиб тургандек...

**Юнус ЗИЁДОВ**

❖ Интер-спорт

## РОНАЛДО ТЎП УРМАСА БЎЛМАС



Мадриднинг «Реал» клуби мавқеи кўпроқ бразилиялик хужумчи Роналдонинг дарвозани ишғол этиши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда «Marca» нашрига клуб президенти Рамон Кальдерон ахборот берган. Унинг фикрига қараганда, Роналдо мавсум мобайнида 15-20 тагача тўп киритиши мумкин экан. Бунинг учун Роналдо асл ҳолига келиб олиши керак. Шунда у ҳар қандай учрашув тақдирини бир ўзи ўзгартириб юборишга қодир бўлади. Лекин, бу футболчи ўтган йил ўтказилган жаҳон чемпионатидан кейин ўнглана олмаяпти. Тўғри, у тиззасидан жароҳат олиб, операция қилинган. Испания чемпионатида ўтказилган 16 учрашувда иштирок этиб, бор-йўғи биттагина тўп киритди, холос. Ҳар қалай Роналдо Янги йил таътилидан кейин яхши ўйин кўрсатмоқчи экани ҳақида гапирмоқда.

## РАМОН 8 МИЛЛИОН ЭВАЗИГА ЦСКАГА ЎТДИ



ЦСКА клубига дастлабки янги ўйинчи қабул қилинди. Бу ўйинчи Бразилия ўсмирлар ҳамда «Коринтианс» клуби ярим ҳимоячиси Рамон бўлиб, эндигина 18 баҳорни қаршилаган. Рамон Осни Морейра Лаге деб аталувчи бу ўйинчини ЦСКА клуби 6,2 миллион евро (8,1 млн. доллар)га сотиб олишга қарор қилди. Бу маблағнинг ўн фоизи футболчининг биринчи клуби ҳисобланган «Атлетико Минейро»га ўтказилади. Жанубий Америка ва жаҳон чемпиони унвонига эга бўлган бу футболчи ўсмирлик давридаёқ шуҳрат қозонган. Рамоннинг ЦСКАга ўтиш муддати «Бенфик» жамоаси унга даъвогарлик қилгани учун ҳам бироз чўзилиб кетди.

## ОЛИМПИЯ ЧЕМПИОНИДА ЮРАК ХУРУЖИ

Юз метрга брасс усулида сузиш бўйича 2004 йили Олимпия чемпиони бўлган хитойлик Ло Сюй Цзуань кутилмаганда Пекиндаги касалхоналардан бирига ётқизилган. Гап шундаки, келаси йили Хитойда ўтказиладиган Олимпия ўйинларида олтин медаллардан бирига асосий даъвогар ҳисобланган бу спортчининг юрак хуружи мутахассисларни ташвишга солмоқда. Ҳозирча аниқ ташхис қўйилгани йўқ. Лекин, 22 ёшли бу спортчи юраги безовталаниб турганидан ўтган йил декабрь ойида Доҳада уюштирилган Осиё ўйинларида ҳам иштирок этолмади. 2001 ва 2003 йилларда 50 ва 100 метрга брасс усулида сузиш бўйича жаҳон чемпиони бўлган бу спортчининг соғлиғи спорт ишлари бўйича давлат маъмурияти тарафидан назоратга олинган.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Игамбек строй сервиз» МЧЖ
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида қабул қилинади.
**Маълумот учун телефон: 395-23-80**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси шоир
**Азиз АБДУРАЗЗОҚ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

❖ Ўзбек феъли

# ДАХЛДОРЛИК

Уфқ бўзариб тонг отди. Қор қўнган бўғотларда чумчуқлар гурунгни бошлашди. Шундоққина йўл четидаги кичкина ҳовлида янги туғилган бузоқ дамба-дам маърайди. Дарвоза зулфинини шарақлатиб туширган қўшни хотин дарғазаб бўлиб:

— Ҳув, адо бўлгур, сутни қачонгача ичасан? Шошмай тур, қўлимга тушсанг...

Мушук аёлдан безиган чоғи, қўшни томдан пастга шитоб билан сакраб кўздан ғойиб бўлди.

Кимдир велосипеддан тушмай, барчани уста Латифникига ошга чорлайди. Молларига емиш бериб эндигина ташқарига чиққан Хол бобо қишлоқда ҳар тонг бошланадиган ана шундай ҳаётдан завқланади. Қизиқда, ҳаёт ҳам худди чорраҳага ўхшайди. Юсуфбек кентда ҳар тонг ҳар хил кўринишда отади. Илгари чол буларга эътибор бермаскан. Саҳар туриб далага отланар, тун ярмида уйига қайтарди.

— Чолимнинг куни қурсин, — деб нолирди кампири ўша кезлар, — хасталигини ҳам пайқамайди-я. Ишқилиб, оиламиз бахтига омон бўлсин-да.

Мана, қанча йиллар сувдек оқиб кетди. Хол бобо бугун қариликгаштини сураяпти. У ёлғиз эмас. Бир этак неваралари бор. Ҳовлисини нақ арининг уяси дейсиз. Айниқса, дам олиш кунлари бу мўъжаз хонадон худди тўйхонанинг ўзи бўлади-қолади. Чунки ҳар томонга ёйилган ўғил-қизлари фарзандлари билан қаторлашиб келишади.

Чол нонуштадан сўнг яна кўчага чиқди. У ерга қараганча йўл четидан оҳиста юриб борар, хаёлида бир ўй: яратган боғлари бугун кимларнинг қўлида? Ниҳоллар омонми?

Ана, дала шийпони кўринди. У ҳувуллаб қолган, ҳовузда эса сув йўқ. Қучоққа сиғмас ёнғоқ ва ўриклар эса сукутда.

— Ҳа, омонмисизлар? — чол дарахтларга разм солади. Ие, биттаси қани? Яна қайта санади, биттаси йўқ! — Кундасиниям қолдиришмабди-ку!

Чол ғазабланди, атрофга аланглади, зоғ ҳам кўринмайди. Хол бобо дарахтларнинг бирига суянди. Орқадан нимадир ботгандек бўлди.

— Ҳа, ҳаммамиз қарияпмизда, — чол гўё дарахт билан сўзлашарди. — Ўз қўлларим билан эккандим сизларни. Ҳаёт экан, биров қураркан, биров бузаркан...

Чол шийпоннинг кунботар томонидаги токзорга ўтди. Ток кундалари ораси анча сийраклашган. Чол улар қуриган, деган тахминга борди. Хаёлида бунга Илҳомжон сабабчи бўлса керак, деб ўйлайди. У илгари шу ерда бригадир эди. Раҳматли отаси Қосимжондан қолган бу ёдгорлик — боғнинг эгаси бугун ким?

«Тўхта, сенга нима? Энди илгариги даврлар ўтган-ку. Бу ёғи пенсиядасан... Бу боғу токзорларнинг эгалари бор. Нима қиласан бу ерларда? Одамларнинг ўзига инсоф берсин!»

Йўқ, у бундай бепарво бўлолмайди. Ахир, бутун умрини шу ерга, элга бағишлади-ку. Бундай манзара олдида қандай лоқайд бўлсин! Виждони қийналади. 20-30 гектарлаб ташкил этган боғларининг довруғи бутун Ғиждувонга кетган. Булар хор қилинса, қараб туролмайди асло! Ўша замонларда ҳам ана шу қўрслиги панд берган.

У ана шундай адолатсизликдан безиган кезларда ҳам дардига шу боғ-роғлар, ер малҳам бўлган. Шукрки, ҳаммаси ортда қолди. Хол furбободан (унинг асли исми шарифи Элмурод Холов, кўпчилик эса Хол бобо дейишади) бугун бир неча мактаб, болалар боғчаси, замонавий услубда қурилган қишлоқ қолди. Бугун улардан болаларимиз баҳраманд.

Чол шу хаёллар билан ортига қайтаркан, кимдир унга пешвоз чиқди. Хол бобо таниди, бу одам Илҳомжон деган боғбон. Чол уни саволга тутди:

— Дарахтлар нега сийраклашган? Токзорлар ҳам кўмилмай қолибди?

Илҳом чолнинг кайфиятини сезиб ер чизди.

— Хатосига баҳорда янгисини экаман, — шундай деб хижолатдан чиқмоқчи бўлди. Чол эса хатосини тушунган йигитга яна алланималарни уқтирди...

Йиллар шамоли қаддини бироз эгган Хол бобо уй томон оҳиста одимлайди. Баъзан юришдан тўхтаб, ўзича нималарнидир хомчўт қилади. Ғишти қишлоғида қад ростлаётган замонавий коллеж биносини кўриб, кўнгли таскин топди. Ҳа, бугунги ёшларга унга ўхшаган тажрибали оқсоқоллар зарур. Ким бўлишдан қатъи назар ҳали улар мана шундай ҳаёт синовларининг кўпини кўрган инсонлар кўмагига, маслаҳатига муҳтож.

— Бобожоним келяптилар...

Бобонинг хаёлларини болакайнинг овози тўзғитди. Ён томонига қаради — неваралари унга пешвоз келишяпти. Чолнинг чеҳраси ёришди. Ҳа, булар ҳадемай вояга етишади. Юрт юкини елкасида кўтаришади. Бугун беҳад шукроналик ҳисси билан яшаётган Хол бобонинг эса қалбида яна бир карра юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси уйғонди...

**Даврон БАҲРОНОВ**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Olim MURODOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Baxtiyor DO`SJONOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:

| | |
|---|---|
| Siyosat, partiya va xalqaro hayot | 133-10-13 |
| Ma`naviyat va ma`rifat | 133-69-45 |
| Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot | 133-20-36 |
| Parlament va huquq | 136-76-21 |
| Ekologiya va salomatlik | 133-44-55 |
| Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik | 133-21-43 |
| Xatlar va ommaviy ishlar | 133-12-56 (Tel. Faks) |
| Mas`ul kotib | 133-72-83 |
| Reklama va e`lonlar | 133-38-55, 133-47-80 |

VILOYAT MUXBIRLARI:

| | |
|---|---|
| Andijonda — | 25-32-70 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-22-32 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 223-83-73 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-15 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg`onada — | 26-43-62 |
| Termizda — | 3-79-98 |

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 46
14373 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 21.40
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda